

Бор экан, йўк экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, карга какимчи экан, чумчук чакимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, гоз карнайчи экан, товук так этди, билмадим какка кетди.

Бир карга билан кўзи бор экан. Карга кўзи ёнига бориб:

— Сени ейман, — дебди.

— Мени ейишга ейсану, тумшугинг харом, дарёга бориб чайкаб келиб, ундан кейин егин, — дебди кўзи.

Карга тумшугини чайкагани дарёга борибди. Дарё сувини пастга тортиб олиб:

— Мендан одамлар сув ичади, сенинг тумшугинг харом, Устабой кулолдан битта кўза олиб келгин, сувни мен берай, сен сувни олиб у ёкда чайкагин, — дебди.

Шунда карга Устабой кулолнинг олдига бориб:

— Эй Устабой кулол, беринг кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Устабой кулол:

— Тупрогим адо бўлиб колди. Тупрок олур деган ердан тупрок олиб келиб бергин, мен янги кўза килиб бераман, — дебди. Шўрлик карга тупрок олурга учиб борибди:

— Беринг тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди. Тупрок олур:

— Тогнинг бошида бир кийик бор. Шу кийикнинг шохидан олиб кел. Ўша кийик шохи билан казиб оласан, — дебди.

Карга бу ердан ҳам учиб тог тепасидаги кийик олдига борибди:

— Хой кийик ака, беринг шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди. Кийик бечора айтибди:

— Рахмим келиб берай дедиму, шохим каттик ўрнаган, жоним огрийди. Бир Пўлатвой ака деган кишининг тозиси бор. Шу тозисини сизга берсин. Този келиб мени кувсин, мен кочиб кетиб дарахтларга шохимни уриб тушириб барай, — дебди.

Шундан кейин карга учиб Пўлатвой аканинг олдига бориб: «Пўлатвой ака», — деб чакирибди.

— Беринг този, кувласин кийик, ташласин шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди. Пўлатвой айтибди:

— Тозимнинг корни оч, бедармон бўлиб ётибди. Тош акамнинг сигири бор, ўша сигирнинг сутидан берсин, олиб келинг ичирамиз, този овкатланиб олиб кийингизни кува берсин, — дебди. Карга учиб бориб:

— Тошвой ака! — деб чакирибди.

— Лаббай, — дебди Тошвой ака.

— Беринг сут, ичсин този, кувсин кийик, ташласин шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Тошвой ака:

— Сигиримнинг корни оч, далага боргани йўк. Сен даладан бир кўтарим куроқ олиб келиб бер, сигир еб сутга кирсин, ундан кейин олиб кетасан, — дебди.

Карга бир куроқзор кўлга борибди.

— Беринг куроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, кувласин кийик, ташласин шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Куроқ айтибди:

— Юлиб олсанг, кўлингни кийиб кетаман, шахарнинг чеккасида ўрок киладиган уста Сўкилди деган бор. Битта яхши ўрок килиб берсин, мени ўриб олиб кетгин, — дебди. Карга учиб уста Сўкилдининг олдига борибди:

— Уста, уста, — деб чакирибди. Уста:

— Лаббай, — деб карганинг олдига чикибди. Карга:

— Беринг ўрок, ўрай курок, есин сигир, берсин сут, ичсин този, кувсин кийик, ташласин шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкаб тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Уста Сўкилди:

— Кўмирим тамом бўлиб колган эди. Бир тогнинг бошида беш-ўн хонадон бор, улар кўмир куйдираётган эмиш, кўмиридан олиб келиб бер, сенга пашшанинг канотидек олмосдан ўрок килиб берай.

Карга бу ердан ҳам учиб ўшал кўмирчиларнинг олдига бориб:

— Кўмирчи ака, кўмирчи ака, беринг кўмир, килсин ўрок, ўрай курок, есин сигир, берсин сут, ичсин този, кувсин кийик, ташласин шох, казий тупрок, килсин кўза, олай сув, чайкай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Кўмирчилардан бири бир парча кўмирни олдига иргитиб юборибди. Карга кўмирни олиб, уста Сўкилдининг олдига келибди:

— Мана кўмирни топиб келдим, — дебди. Уста: «Оббо, важ килсам ҳам бўлмади-я» деб бир пашшанинг канотидек олмосдан килинган ўрокни карганинг канотига ўтказиб кўйибди. Карга бир канча вақт учгандан кейин ўрок канотини шартта киркиб кетибди, иккинчи канотига ўтазиб олибди. Яна бир канча учгандан кейин иккинчи канотини ҳам шартта киркиб кетибди. Бечора карга энди ўрокни бўйнига солибди, уча олмасдан хикиллаб канча йўл юрибди. Бўйнини ҳам ўрок шартта кесиб кетибди. Карга максадига етолмай, бир чўлда ўлиб қолибди. Кўзи эса кутулиб қолибди.